

МОСКВА ФАЗО БАҲОДИРЛАРИНИ ҚУТЛАМОҚДА

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ИЛ ЧИКИШИ

№ 58 (3030).

24

МАРТ

ЧОРШАНБА

1965 йил.

Баҳоси 2 тийи.

КОСМИК ШУҲРАТ ЙЎЛИ

МОСКВА ПАВЕЛ БЕЛЯЕВ БИЛАН АЛЕКСЕЙ
ЛЕОНОВНИ ҚУЧОҚ ОЧИБ КУТИБ ОЛДИ

Совет космик кемаси «Восход-2»нинг мислизи парвозини инсоният қойил бўлиб кузатиб турди. Космонавтика тарихида янги саҳифа очилди, биринчи марта одамнинг кемадан космик фазога чиқиши амалга ошириш шарафига мўъассар бўлган совет кишиларининг — Павел Беляев ва Алексей Леоновнинг номлари жаҳондаги кўп тилларда янграб турди.

Внуково аэродроми байрам либоси билан яратилган. Бу аэродром ўзларининг жасурликлари билан совет кишиларининг, ҳақрамон халқимизнинг, кўп Коммунистик партиянинг шуҳратини ошираётган кишиларини олийчи марта кутиб олмоқда.

Аэропорт бош биносининг пештоқида — В. И. Лениннинг катта портрети гурибди. «Яна син Ленин яратган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси», «Космик кемаларни яратган совет олимлари, конструкторлари, ишчилари, техниклари ва инженерларига шон-шарафлар!» — деган шioriлар товланди турди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суевлов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. Н. Ефремов,

К. Т. Мазуров, В. П. Мжавнадзе, Ш. Р. Рашидов, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов ўртоқлар. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Н. Г. Игнатов ва М. Холов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Д. Ф. Устинов, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, И. Т. Новиков, К. Н. Руднев, Л. В. Смирнов ўртоқлар, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, ҳарбий-ҳаво кучларининг бош қўмондони, Авиация Бош Маршали К. А. Вершинин, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш ва бошқа ўртоқлар аэродромга келишди.

Тантанали учрашув дақиқалари яқинлашмоқда. Аэродромга қўлланганлар қаҳрамонлар тушиб учиб келаётган ҳаво лайнерининг бузулган тарқаб кетган осмонда пайдо бўлишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Кутиб олиш учун чиққанлар орасида Ю. А. Гагарин, Г. С. Титов, А. Г. Николаев, П. Р. Попович, В. Ф. Биковский,

В. В. Николаева-Терешкова, В. М. Комаров, К. П. Феоктистов, Б. Б. Егоровлар ҳам бор. Реактив қирувчи самолётлар фахрий эскортининг ҳамроҳлигида «ИЛ-18» гизлаб ўтди, У, бир айланиб, қўшинга йўл олади.

«Қўшларимиз парвози баланд бўлсин, ҳамиша баланд...» совет авиациясининг биринчи га-лабалари замонда пайдо бўлган бу қўшиннинг оҳанги космо-навтларни кутиб олиш марши бўлиб қолди.

Тантанали марш садолари остида Павел Беляев ва Алексей Леонов гуллар билан яса-ланган ҳукумат минбари томон бордилар. Аэродромда олини-лаб тўқини ва табрик хитоб-лари гузуллади. «Ура!» садо-лари янгради.

«Восход-2» кемасининг ко-мандири партия ва ҳукумат то-ширини муваффақиятли бажари-ланганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига ра-порт беради.

Шу ондаёқ тинчлик қўшиқи билан рапорт сўзлари аниқ эши-тилди:

«Ленинчи Коммунистик пар-

тия Марказий Комитетига, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига маълум қиламизки: «Восход-2» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланди.

Одамни кемадан космик фа-зога чиқариш эксперименти ба-жарилиди.

Экилаб ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда.

Партия ва ҳукуматнинг ҳар қандай топширини бажаришга тайёрмиз.

«Восход-2» кемаси экипажининг командири полков-ник БЕЛЯЕВ.

Космонавтлар шарафига тўп отилиб берилган салют садолари жўр бўлганда, Совет Иттифо-қининг Давлат гимни янгради.

Партия ва ҳукумат раҳбарла-ри Павел Беляев билан Алексей Леоновни қутлайдилар, уларни қучоқлаб ўпалдилар. Қаҳрамон-ларнинг хотинлари, қаридаш уруғлари ва ёр-бодарлари, космонавт дўстлар бу азиз ки-шиларни бағриларига босади-лар.

Бошлар космонавтларга мос-кваликларнинг биринчи совгаси-ни — баҳор гулларини тортиқ қиладилар.

Павел Беляев ва Алексей Леонов кутиб олувчиларнинг сафлари олдидан ўтадилар. Яна қарсақлар, кизгин табриклар ва гуллар, гуллар...

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин космосни забот этувчиларни дипломатик ваколатоналарнинг бошқикла-рига таништиради.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ П. И. БЕЛЯЕВГА
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошқарилувчи космик йўлдош кема «Восход-2» учиб бораётган вақтда жа-ҳонда биринчи бўлиб одамни кемадан космик фазога чиқаришда қатнашганли-ги учун «Восход-2» кемасининг команди-ри космонавт-учувчи ўртоқ Павел Ива-

нович Беляевга Совет Иттифоқи Қаҳра-мони унвони берилсин ҳамда Ленин ор-дени ва «Олтин Юлдуз» медали топши-рилсин ва Москва шаҳрида қаҳрамон-нинг бронзадан ясалган бюсти ўрнати-лсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1965 йил 23 март.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ А. А. ЛЕОНОВГА
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошқарилувчи космик йўлдош кема «Восход-2» учиб бораётган вақтда жа-ҳонда биринчи бўлиб кемадан космик фазога чиққанлиги учун ўртоқ Алексей Архипович Леоновга Совет Иттифоқи

Қаҳрамони унвони берилсин ҳамда Ле-нин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилсин ва Москва шаҳрида қаҳра-моннинг бронзадан ясалган бюсти ўрна-тилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1965 йил 23 март.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ П. И. БЕЛЯЕВГА «СССР
КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восход-2» йўлдош кемасида космосла-учганлиги учун Совет Иттифоқи гражд-ни ўртоқ Павел Иванович Беляевга

«СССР космонавт-учувчиси» унвони бе-рилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1965 йил 23 март.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ А. А. ЛЕОНОВГА «СССР
КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восход-2» йўлдош кемасида космосла-учганлиги учун Совет Иттифоқи гражд-ни ўртоқ Алексей Архипович Леоновга

«СССР космонавт-учувчиси» унвони бе-рилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1965 йил 23 март.

КОИНОТ ЮЛДУЗЛАРИДАН КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИГА

Совет космонавтлари Москва тупроғига қадам қўётган Ердаги фахрий орбитанинг сўнгги участкаси Боровицкий дарвозалари бўлди. Гулларга бурланган машина мото-циклчилар эскорти ҳамроҳлигида Кремлга келади. Қаҳрамонлар гўё олдидан келишиб қўнгандек, бир дақиқа юқорига нигоҳ ташлаб, Кремлнинг баҳор офтоби ёғду со-чиб турган башниларига тикилади-лар. Дарҳақиқат, улар Коинотнинг олисдаги юлдузларидан Ернинг ён-тўғи юлдузларига сатом топши-риниша ҳақлидирлар!

Тўрт йил муқаддам Юрий Га-гарин Қизил майдонга космос на-фасини биринчи бор келтирган эди. Бутун космос нафаси пойтахт қалбиди қизил аллоҳларча ол-тинчи марта ҳилпиратиб турди. Космос нафаси ҳақли равишда у-ларнинг совет фани ва техникаси қўлга киритган қаҳрамонона за-фарининг иштирокчилари деб ҳисоб-лаётган барча совет кишиларининг чеҳрасига шодлик баҳш этмоқда.

Майдонни тўлдирган шод-ху-рам москваликлар қувончининг че-ки йўқ. Минбардагиларнинг ҳам қувончи чинга сиғмайди. Минбар-да мамлакатнинг дондор киши-лари, саноат илғорлари, совет парламенти депутатлари тури-ришди. Чет эллик меҳмонлар, дипломатик корпус вакиллари ҳам шу ерда.

Қаҳрамонларни кўришга муш-тоқ бўлган москваликлар соатлари, минуталари ҳисоблаб бординлар. Ҳозир секундлар саналмоқда. Ҳали замон Қизил майдонга тўплан-ганлар космоснинг янги қаҳрамон-лари билан кўришадилар. Мин-ларча кишиларнинг нигоҳи Мав-зoleyга тикилган. Мунтазир бўлиб кутилган қаҳрамонлар Мавзoley-нинг марказий минбарига чиқиш-лари билан москваликлар таҳсин садолари бирга қўшилиб бутун майдон тўлинига келди.

Уларнинг ўйчан қўмушранг арчалар орасида туриб Қизил май-донда тўшган суратларини газе-та саҳифаларида кўрганмиш. Хо-зир ҳам ўша зағирли арчалар Кремль деворлари атрофини ўраб туришди. Лекин ҳозир бу арча-ларни ўйчан деб бўлмайди. Май-донда ўхтин-ўхтин зўр куч билан чалинаётган қарсақлардан арча-ларнинг ҳар бир шохи ларзага келмоқда.

Мавзoleyнинг марказий минба-рида партия ва ҳукумат раҳбар-

лари, космонавтлар туришди.

Совет халқининг космосни ў-лаштиришдаги янги ғалабасига ва космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов билан учрашувга бағишланган митингни КПСС Мар-казий Комитети Президиумининг аъзоси Н. В. Подгорний очди.

Қадрили ўртоқлар! Совет киши-лари, бутун халқимиз, дейди у, яна буюк ғалабани қўлга кирит-дилар. Бизнинг совет киши-ми-з тарихда биринчи бўлиб том маъ-носи билан космик фазога чиқди ва илмий кузатишларни муваффа-қиятли бажариб, эсон-омон кемага қайтиб килди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Со-

ветининг топширувига мувофиқ, Москва шаҳар меҳнаткашларининг ана шу тарихий воқеага: қаҳрамон космонавтлар Павел Иванович Бе-ляев ва Алексей Архипович Лео-нов билан умумхалқ учрашувига бағишланган митингнинг очиб деб эълон қиламан.

Москваликлар қаҳрамонларнинг чеҳрасига зўр қизқиш билан ти-килишди. Мана — биринчи мар-та ичидан космос йўлига одам чиққан кеманинг командири. Но-ми Коинот кашфиётчиларнинг фахрий рўйхатига ёзиб қўйилган одам эса унинг ёнида туриб-ди.

«Восход-2» кемасининг коман-дири космонавт-учувчи полковник П. И. Беляев микрофон ёнига ке-лади.

Биз бу космик парвозга тағин ҳам кўпроқ тақомиллашган кўп ўринли «Восход-2» йўлдош ке-масида жўнадик, бу кема очиб ко-смосга одамнинг чиқиши учун мах-сус асбоб билан ускуналган эди. Кемага ўрнатил қўйилган махсус телевизор система шериги под-полковник Леоновнинг космосга чиқишини, унинг кемадан ташқар-да қилаётган ишни ва кема ичига қайтиб киришини Ерга кўрсатиб турди.

Биринчи марта бизнинг ке-ма-из қўл билан бошқариладиган системадан фойдаланиб, Ерга қўй-дирилди.

Бизнинг парвозимиз совет ко-сми кемаларининг ишчиликни ва юксак даражада тақомиллаш-тиришда кўп қўлдан келтирилган ҳа-дама шу кемаларни яратувчи-лар — совет фанининг, совет те-хникаси ва саноатининг алоқиб ме-ҳнаткашлари гўя таланти эканли-гини яққол кўрсатди. Уларга шон-шарафлар бўлсин ва қизгин та-шаккуртимизни изҳор қиламиз!

Икки ўринли «Восход-2» ке-масининг бу парвози космик фазо-ни ўзлаштиришда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Ҳаёт шароитини таъминлайди-ган муштарик система махсус ска-фандрда кемадан космик фазога чиқилди. Бу экспериментнинг жа-да катта илмий ва амалий аҳамия-ти бор. Бу экспериментнинг шу қадар аҳамиятли эканлигига қано-

ат ҳосил қилмоқ учун у ҳал қи-либ берган бир неча масалалар-нинг ўзининга санаб ўтиш қийо-қ қилади. Аввало, одамнинг очиб космосда муайян мақсадни қўлаб ҳаракатлар қилиш имконияти, одамнинг космосдаги ўз ўрнини бе-малол ўзгартириш, кузатишлар олий бориши ва бошқа турли хил операцияларни бажариш мумкин-лиги — бошқача сўзлар билан айт-ганда: очиб космосда яшаш ва иш-лаш имконияти ўрганилди.

Менга экипажимизнинг коман-дири бўлиш ва космонавт-учувчи программасини бажариш вазифаси топширилган эди.

Илгари қирувчи самолётнинг учувчиси бўлган вақтда, Ер ат-рофидаги атмосфера шароитида самолётни неча мартабала учуриб юрганман. Бу сафар менга йўл-дош кемани космик фазода бош-қариб бориш насиб бўлди.

Менин олдимда турган вазифа шундан иборат эдики, одамнинг космосга чиқишини таъминлай-ган аппаратларни бошқариб тури-шим ҳамда ўртоғим ва дўстим под-полковник Алексей Леонов космик фазога чиқиб олишга, зарур ҳара-катларни қилишга ва катъий ра-вишда белгилан қўйилган вақтда ҳамда траекториянинг олдидан белгилан қўйилган участкасида ке-мага қайтиб киришга доир бутун экспериментни бажара оладиган қилиб, кемани шунга мослаб бош-қариб боришим лозим эди.

Бошқариладиган мураккаб учу-ви аппарат бўлган «Восход-2» ке-маси космонавт-учувчининг ҳара-катларига жуда яқин бўйсунди, унинг идрасига мутлақо итоат қи-лади. Кемани бошқариш ва ориен-тация системалари маневрлар-ни аниқ бажариш ва кема-ни талаб қилинган ҳолатда барна-дор ушлаб туришни таъминлайди, бу эса космосга чиқиб олиш экс-периментни ўтказиш учун ҳам, шу-нингдек бошқа илмий эксперимент-лар ўтказиш учун ҳам зарурдир.

Зиммамизга юқлатилган топши-рини бажариш учун устимиздаги бутун маъсулиятни тушуниб тур-дик ва учиб программасининг ҳам-масини совет фанимиз ва техника-миз учун, талантли ва меҳнатсе-вар халқимиз учун бениҳоя қув-он ва зўр ифтихор билан амалга ошира бердик.

Барча совет кишилари биз, ко-смонавтларга катта ҳамқўрлик қи-лаётганлигини фақат учиб вақ-тидагина эмас, шу билан бирга, учини тамомлаганимиздан кейин ҳам ҳаммиса ҳис қилиб турдик.

(Давоми иккинчи бетда).



Қаҳрамон космонавтлар П. Беляев ва А. Леонов Москвага келишди. Суратда: космонавтлар топширининг бажарилиши тўғрисида рапорт бермоқдалар.



Москвада совет космик кемаси «Восход-2» экипажининг аъзолари — полковник П. Беляев ва подполков-ник А. Леоновларнинг тантанали кутиб олиниши. (ТАСС фотохроникаси. Суратлар фототелеграф орқали олинди).

Тарихда биринчи марта инсон Коинотга эшик очди, космик фазога чиқиб ишлади. Бу—инсон ақл-заковатининг буюк мўъжизасидир.

Уларни халқ арасида шунинг билан аташди. Чиндан ҳам республикамизнинг қайси бир ўзук чеккасидан ёрдам сураб мурожаат қилинмасин, бу оқ халатли кишилар «қанот» ҳосил қилишади — зудлик билан нажот бериш учун шошилишади.

Мана, ҳозиргина радиogramма олинган эди. Келес массивнинг энг чеккасига жойлашган Бўзай чорва яйловларидаги чўпонларга тиббий ёрдам зарур бўлиб қолди. Вақтинча гайритаъиний бўлган поликлиника штабн дарҳол тузилди. Врачлар вертолётга чиқиб завога кўтарилишти. Ўшанг завога кўтарилишдан унвонлардан манзилга эгзиб борди. Зум ўтмай Бўзай га ҳам етди келинди. Врачлар ўз ишларини бақаришга киришадилар. Асаб касалликлари бўйича мутахассис — профессор Абдуманн Раҳимжонов бемор чўпон Кўспан Досболзовни текшириб қурди. Унинг икки оғиш шол бўлиб қолган эди. Шу ерининг ўзида тегишли ёрдамни кўрсатган, профессор шундаг дейди:

Дарҳол махсус транспорт юборамиз. Тошкент касалхонасида даволаш лозим бўлади.

Медицина фанлари кандиди теравеп Рохила Қорабоева бошқа беморларни, педиатр Раҳима Абдулова эса кичкинтойларни даволади.

Пойтахтдан келиб зарур медицина ёрдами кўрсатган «қанотли» нажоткорлардан чўпонлар гоят миннатдор бўлидилар.

Чапдаги суратда медицина фанлари доктори, профессор Абдуманн Раҳимжонов (чапдан биринчи), республика санитари-гигиена инспектори, табиб бошқалигининг ўринбосари Семён Флешмакxев ва медицина фанлари кандидати Рохила Қорабоева яйловга парвоз этиш олдидан. Ўнгдаги суратда эса қанотли нажоткорларнинг Бўзай яйловига етиб келганликлари тасвирланган.

Г. Пун фотолари.
(ЎТАГА фотохроникаси).

Забекистон халқ шоири академик Гафур Гулом бошқиб ёр тулпа ўзбек ёзувчилари Чимкентги химия-технология институтини катта залда дўстлик адабийчаси ўтказдилар.

Жанубий Қозоғистон ёзувчилар асос бўлимининг секретари ўрқ Н. Сулаймонов адабий кеча очар экан, қардош ўзбек ёзувчиларини қўтқалди.

Академик шоир Гафур Гулом илгир баланд нафосат билан илган «Қозоқ элининг тўйи» ва шунда бир қатор шеърларини ўқиб берди. Адабий кечага йнгилик дўстларини ҳам қоракдан қўнғабдиққилар.

Ўзбекистон ССР да хизмат қўрган сыйбат арабои шоир Мақд Шахзода адабий кечада урқ Тенин ва Алишер Навоийга гишланган шеърларини зўр қўриқиллик билан ўқиб берди.

Шоир Миртемир кечада ўқининг ақойиб «Онағиям» шеърини ўқиб берди.

Бу адабий кечада дўстлик, қардошлиқ қаҳидига юрак сузари қайта-қайта жарангалб турди.

Қозоқ шоири Умарбой Малқаров ўзбек шоирларига бағишланган «Хуш келибсиз» шеърини орқали қозоқ халқи номидан ўзбек халқини қизгин табриққлади.

Адабий кечалар ун қун давоқтди. Бу иқодий кечаларда шоирлардан Жуманнз Жааборов, Суфужон Қадмад, Азиз Абдуразоқ, Ш. Тамкин, Николай Лихов, таршомон-ёзувча Носир Музалов, Филология фанлари қандидати Гафур Музимов ва бошқалар қатнашқилар.

Адабий кечалар халқларининг бир-бирига дўст, қўн-қариндosh бўлиб кетқандарининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ю. МИРЗА.

Олий ва ўрта махсус ўқув юр-
тарига 1965 йил учун қабул ки-
линишни янги қоидалари тасдиқ-
ланди.

ТАСС мухбири И. Колосовский
олий ўқув юрталари ёки техни-
кумларга киришга тайёргарлик
кураётган ёшларни ҳозирги кун-
да қизиқтираётган бери неча са-
волларга жавоб бериш учун
СССР Олий ва ўрта махсус таъ-
лим вазирлиги В. П. Елютиндан
сўради.

Савол: Олий ўқув юрталари-
га қабул қилинишни янги қоидалар
аввалгиларидан қандай фарқ қи-
لدиди?

Жавоб: Аввало шу билан фарқ
қилинади, бу қоидалар олий ма-
табга аича тайёргарлик курган
ва муносиб ёшларни яна-д қи-
лишга катта имкониятлар беради.
Олий ўқув юртига киришда ёш-
ларга қўйилгандан асосий талаб—
чуқур ва пухта билимдир.

Конкурс билан танлаб олиш
профилига муносиб фанлардан

ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
В. П. Елютин билан суҳбат

ириш имтиҳонларининг натижа-
ларига қараб бўлади. Аввалги
йиллардан фарқи улароқ, олий
ўқув юрталарининг қундузги ў-
қилмаларига қабул қилинаётганда
конкурс ўринлари амалий ишда
камидан икки йиллик стажиди иш-
да қиларишдан келганлар ҳам-
да ҳарбий хизматдан бўшаб келган,
бар, ёки икки йиллик меҳнат
стажига эга бўлмаган, шу жум-
ладан ўрта мактабни эиндиги
тутатган ёшлардан тушган арва-
лар сонига пропорционал қилиб
ренторлар томонидан белгилан-
қўйилди. Ишлаб чиқаришдан
келган ва ҳарбий хизматчилар
учун улар ўртасида алоҳида кон-
курс тасқазимини туғайди олий
ўқув юрталарига қабул қилинишни
имтиёбли ҳуқуқи сарқаниб қола-
ди. Бу йил бевосита саноат кор-
хоналари ва таълиқлотлар йўзла-
маси билан ўқишга келганла
қилиб қилиришдан келган ёшлар
ўртасидаги конкурс бўйича би-
ричига галда қабул қилинади.

Ўрта мактабларни олий ку-
муш медаллар ҳамда махсус ў-
рта билим юрталарни аъло баҳо-
лар билан битирганлар белгила-
ган кириш имтиҳонига (қош ёз-
ма, қош оғзани бўлини) «аъло»
баҳога тошпирганлари тақдирда
янада олий ўқув юртига конкурс-
сиз қабул қилинадилар. Бироқ
улар «аъло» ёки «қониқарли»
баҳо олган тақдирда лозим бў-
лган фанларнинг ҳаммасидан им-
тиҳонлар тошпириб, конкурсда
қатнашадилар.

Шу нарсалар белгилан қўйилди.
Совет армияси ёки Ҳарбий-денгиз
флотига қачирлиқни муносабат
билан ўқишга тўхтатилгандан ил-
гери ўқиб турган олий ўқув юр-
талари

Навбахор келганда ёйиб епини
Кузининг ўнгидан ўтади ёшлин.
Ваъзидо, жонингиз, уйланим сени
Калбинга ҳушмон эди дебовим,
Томларда очилган ладла қизгалдо
Сени ҳам этарди ўзига мафтун,
Оқуден сарғайган, қизориб ёноқ
Йилмайиб кўлдринг, кўзингда

фусун,

Қора қош устидо толлим-толлим соч
Хилпирала ёллари бўлиб жингалин,
Қизгалдоқ бошингда гоҳ олтин
туз —

тилан.

Ҳар баҳор табият безанганида,
Туғри. туман рангга бўлганда
Эслайм, уйланим сени,
жонингам,

Дилимга туйгулар нуйилганам,
Энди, сен олма, кўзинг ўнгидо
Товларан хилма-хил шифобах
ғибх,

Туғал филкларин ногоз кўзүдого,
Анс этиб, ҳаётга берибди жилго.

Ухлос РАДУВ

Юнсакарлардан дулрлар томчиллар,
Даран айтлар чаман бахордан,
Сотлаз эади дала, тоғ, ириллар,
Кушлар учлар муар бахордан.
Миғиб этган муар булполлар,
Куш билан сукубат куллар,
Ҳиниолашми жингла, шалола,
Водилларга олтин куллар.
Сойлар চালিব рубоб, найини,
Учинмига бағишлайди соз.
Бахор ойдан олиб хиссанни
Жамол седин азади гуллар,
Шорир, мағи, чиктин тоғларга,
Ватан бўйлаб ичгин сайхат.
Кузинг намрар улгуролмас хен,
Бахор гашти зағви-шағв, рохат.

Юрқандан севдман она қишлоғим,
Сувелари шарбатим, даянар
булоғим.
Қўн билан туташган мовини,
тоғларнинг,
Гулларга бурынган чамалар
боғларинг —
Яшнайвер ҳамиша бўстон
қишлоғим!
Бўстонлиқда ўтди кунвоқ
ешлигим,
Шу қишлоқдан меннинг нора
қошлогим,
Ҳовлим осмонида қаңлар
юлдузинг,
Фарзандингман юртим, оқламан
тузинг —
Яшнайвер ҳамиша бўстон
қишлоғим!
Қорли чўқиларга мағрур боқамам,
Мафтун этар мени сендай чапан...
Хавоси мусаффо Нанай қишлоғим,
Мевавлари-шарбат эй гузал бегим!
Яшнайвер ҳамиша бўстон
қишлоғим —

Рузимат ДАМИНОВ.

ХОҶИРА, 22 март. (ТАСС).
Ушкентстон ССР халқ рақс
дават ансамбли — «Баҳор»
бирлашган Араб Республикаси
маданият ва миллий раҳбарлик
министрлигининг тақлифига би-
ноан, кеча ҲоҶирага келди. Ҳо-
Ҷириг вақтда «Баҳор» ансамбли
қўшиқчилари майдонларда бўйлаб
сўраб қилиб юрди. Ансамбль
ҲоҶирадан Мароқашга борди.
Кеча кечкурун ҲоҶирадани
«Балдон» балли театрида «Ба-
ҳор»нинг биринчи концерти бўл-
ди. Концерт программасида ўз-
бек қўшиқлари ва рақслари, кў-
лиқ рақс мелодилари, ҲоҶи-
рига қўйилган «Баҳор»да
этилатилган ўйноқ кўйлар,
шунингдек, араб оҳанглари бор.
Концерт зўр муваффақият би-
тан ўтди.

ХАНОН, 22 март. (ТАСС). Вьетнам ҳалқ Армияси олий қўмондонлигининг алоқа қисmini Вьетнамдаги кузатувчи ва мониторинг қилувчи ҳақроқ қомиссияга неча мактуб юборди, деб хабар беради Вьетнам информатсия агентлиги.

Мактубда бундай дейилади: 1965 йил 21 мартда соат 13 дан 50 минут ганда Кушша Шатларга ва унинг Жанубий Вьетнамдаги нуқулқонинг қараши самолётлар 17-параллелдан ўтиб, демилитаризация қилинган олонинг шимолий қисмидаги Винь юммунасига қирувчи бир қанча унитларни бомбардимон қилди ва унча тутди. Уй-жой биноларига катта дараф етказилди.

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Биз фазони тадқиқ қилишда «...рус-ларнинг қўлга киритган ютуғини табриклашимиз мумкин...» уларнинг фани ва техникасига қўйил дошлишимиз мумкин...», — деди ке-ла Америка Қўшма Штатларининг вице-президенти Губерт Хэмфри бу ердаги миллий космик клуб уюштирган зиёфатда гапириб. Вице-президент аэрокосмонавта ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасининг раиси ҳисобланади.

Вице-президент таъкидлаб айтдики, космик кемаларнинг оғирлиги жиҳатидан Совет Иттифоқи Қўшма Штатлардан ўзиб кетмоқ-да ва «...космик муҳитнинг инсон

организмига кўрсатадиган таъси-рини ўрганишда шан-шубҳасиз афзалликка эгадир».

Космосдаги пойгада АҚШ ҳар-га «нафасини ростлаб олиш учун тўхтаган» маҳалда, деди вице-президент, 1958 йилги йўлдошдан тортиб то космик кинимдаги ки-шига қадар — советларнинг кос-мосдаги амалий ҳаракатларидан зарба емоқдадиз».

Совет Иттифоқи ўзининг кос-мосдаги программасини «аэр му-ваффақият билан» амалга ошир-моқда, — деб таъкидлади Хэмф-ри. У, «космик фазони фақат-тинч мақсадларда фойдаланила-ди», — деб унид билдирди.

ХАНОЙ. Америка агрессиясыга қарши күрәш миллий кунининг 15 йилинги муносабәт билан бу ерде имманвий митинг бўлди. Митинг кичик ашларни қабул қилган резолюция билан Қўшма Штатларнинг Жанубий Америкадаги агрессиясига қарши Вьетнам Демократик Республикасининг қишлоғи билан — илгозорликлар, халқ-ғазал билан қоралланган. Митингашунашчилари Американиннг ҳаммашунашчиларини Жанубий Вьетнамдаги қишлоғи кетишдан ва Вьетнамдаги қўшма қўшнинг ички милларинг ушбу қил қиллишига имконият беришга қўшма Штатлардан талаб етдилар.

УРУГВАЙ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги «Патриот» газетаси Америка авиациясининг Вьетнамдаги ваҳшиёна ҳаракатларини шарҳлаб, граждан ҳолига келдириши нурасида АҚШ қўлланаётган меҳнатдорларда инсоний ахлоқининг зарарлашаётганини аён қилишга бу методда АҚШ ҳукуматида нисбатан чуқур гап-гап ҳисларини кўзга туқмоқда, дейишади. «Америка халқи, дейилса, дунёнинг маънавиятида, ёр юзидаги ҳақма одамларини Америкадан нафратланидиган бўлиб қолмишига йўл очиб берди».

ЛОНДОН. Каноник Жон Коллинз АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини қоралашга даъват қилди. «Лейбо-ристар» партияси, деди у, АҚШнинг Вьетнамдаги ҳозирги сиёсатида Англиянинг ҳеч бир қатнашувига йўл қўймаслиги лозим». Коллинз Америкада авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясига қилаётган ҳужумларини сира нечи-риб бўлмайдиган жиноят, деди.

ОСЛО. Норвегиянинг Тронхейм шаҳрида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилини намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар «Вьетнамдан қўлингизни торти!» деган сузулар ёзилган плакатларни юзлаб, шаҳарнинг катта кўчаларидан ўтдилар. Намойишдан сўнг митинг бўлиб (ТАСС).

НЬЮ-ЙОРК, 22 март. (ТАСС). Нью-Йорк Геральд Трибюн» зетасининг хабар беришича, ке-
Шимолй Вьетнамга килинган
жум вақтида Америка самолёт-
ри «душманнинг аскарларини
диришг учун махсус тайёрланган
осфор тўлдирилган ажал бомба-
рини биринчи марта ишлатган-
ди».

ВАРШАВА. Саноат корхоналарининг коллективлари, муассасаларининг хизматчилари, ёшлар ташкилотларининг аъзолари, бутун поляна қамроғачилиги Америка самолётларининг Вьетнам Демократик Республикасига хужум қилаётганлигига қар

МОНТЕВИДЕО. Уругвай компартия
кинг ижроия комитети баёно
ълон қилиб, Америна авиацияси
кинг Вьетнам Демократия Республикаси

24 марта

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Каникул кузларида. Телефильм.
Рус тилида: 12.25 — Одамлар орасида (бадний фильм), 14.00 — Кучада юрғанда тхтхтх бўлими! (болалар учун).

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Қизил гаписту телевианон журнал, 19.00 — Тарихий процесда омма ва шахсининг роли хақида марисча-леничка таълимот (телеуниверситет), 19.20 — Ўзбекистон Фанлар академияси экспериментал биолог-ия институтунда репортаж (қиз-лоқ хўжалиг ҳодимлари учун), 19.50 — Симфоний музика.

20.30 — Зшиттиришлар програм-маси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ. 24 МАРТ 1965 ЙИЛ.

НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТРАДА -
24/III да кундуз Семург, кечқурун
Чио-Чио-Сан, 25/III да кундуз Рӯ
сална, кечқурун Хоразм қўшиғи.

Монгаро — САНЪАТ САРОНИ
(кундуз соат 5, 7, 9 ва 10 яримда).
Австралиядин хотин изларди —
НАВОНИ номли (кундуз ва кечку-
рун).
Қора кўзойна — «КОМСОМОЛ
30 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз
ва кечкурун).
Мен — Куза (1 ва 2-серия) —
«ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз
ва кечкурун).
Тириларга мантиб — «СПУТ-
НИК» (куфот соатларда).

томошлари,
Ўргатувчи Изабелла Адаскина кўз
остида
ГИМАЛАЙ ВА ҚУНҒИР АПИҚЛАР
ва бошқа номерлар.
Томошалар кундуз соат 12, 3 ва
кеч 8 да бошланади. Олдиндан қи-
лет сотувчи касса эрталаб соат
11 дан кеч 6 гача ишлайди.

Ву тиражда заёмнинг ўн наслини
разрядлари 3.970.360 сўмдан 153000
ютун, шу жумладан: 5.000 сўмдан
28 ютун, 2.500 сўмдан 90 ютун,
1.000 сўмдан 450 ютун, 500 сўмдан
1440 ютун, 100 сўмдан 12800 ютун,
40 сўмдан 138384 ютун ўйналади.

Тиражларда ўйналганда ютув-
лар сони заёмнинг муддати туға-
гайга келар. Узгармайди. Ютуган
облигациялар эса бундан кейинги
тиражларда қатнашмайди. Шу са-
бабли заём облигацияларни 689нча
ютуш эҳтимол ҳар бир тираж у-
қалитган сайин оша боради.

Заём облигациялари омонат на-
сатларида бемалол сотилди ва со-
тиб олинди.

3/4. бу заём облигацияларини
сўмоқ олипти.

коммунистичон мехнат бригадалар учун 9-августон буйича:

**«СССР ХАЛКЛАРИНИНГ
АШУЛА, МУЗИКА ВА
РАҚСАДАН»**
деган темада

концерт-лекция

Лектор — музикашунос И.
Анваров.

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг халқ нафисли ва торли кватети, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғулом Абдураҳмонов, Ўзбекистон ССРда халқ артисти ва артисти Кундуз Миркаримова, солисткалар Сора Шунунова, Холдосин Қодирова, Зоя Газиева, Валерий Газиев, Гали Искадиев, Раҳим Бунигарлар қатнашади.